



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «19» Март

№ 616и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган “MADRIM DILMUROD” оилавий корхонасига қарашли қурилиши тугалланмаган “Ишлаб чиқариш цехи” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Тумандаги “MADRIM DILMUROD” оилавий корхонаси раҳбари Қ.Мадримовнинг Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Ишлаб чиқариш цехи” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 7 февралдаги ХО-М-417-сонли сўровномасини, Боғот туман ҳокимининг 2015 йил 4 июлдаги № 1259-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 7 февралдаги № 554-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 7, 20, 29-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами қурилиш ости майдони 312,12 квадрат метр, умумий ер майдони 1000,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу қурилиши тугалланмаган “Ишлаб чиқариш цехи” биноси “MADRIM DILMUROD” оилавий корхонасига ушбу мулкни тўлиқ қуриб фойдаланишга топширилмагунга қадар сотиш ёки бошқача тартибда бегоналаштирмаслик шарти билан эгалик ҳуқуқи белгилансин.

2. “MADRIM DILMUROD” оилавий корхонаси (Қ.Мадримов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу қурилиши тугалланмаган “Ишлаб чиқариш цехи” биноларини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Боғот туман ҳокими

О.Холбоев